



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 8 » сентябрь

№ 546

Toshkent sh.

2021 йилда бошоқли дон етиштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошоқли дон экинлари навларини худудларнинг тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, мақбул муддатларда экиш ва парваришlash, бунинг учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини ўз вақтида ва тўлиқ етказиб бериш, бошоқли дон ҳосилдорлигини ҳамда фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 мартдаги ПҚ–4634-сон қарорига мувофиқ 2021 йил ҳосилидан бошлаб:

давлат томонидан ғаллага харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечиш;

бошоқли дон экинлари бўйича давлат харидини тўлиқ бекор қилиш;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги доннинг фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг таклифларини инобатга олиб, қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун серҳосил, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган кузги бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Дон ва дуккакли дон экинлари илмий-тадқиқот институти ва унинг Қашқадарё филиали ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар илмий-тажриба станцияларида 2021 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш ва суперэлита уруғлик дон етиштириш ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосилидан бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосилидан дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган товар дон ҳажмлари 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш ва парваришлаш учун талаб қилинадиган минерал ўғитлар миқдори 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш ва парваришлаш учун талаб қилинадиган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари миқдори 6-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган майдонларда 2021 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини экиш ва парваришлаш бўйича агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан “йўл хариталари” 7 – 9-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноевга, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаевга ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметовга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифлари асосида 2021 йил ҳосилидан бошлаб ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш мақсадида харид қилинадиган товар дон ҳажмларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда ялпи ҳосил қийматининг 40 ва 50 фоизи миқдоридagi кредит буюртмаларини туманлар бўйича алоҳида ҳисоб-китоб қилади;

тижорат банклари агротехник тадбирлар муддатларига мувофиқ ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳар ойнинг 5-қунига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) кредит буюртмаларини тақдим этади;

Жамғарма Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг буюртманомалари асосида 2021 йил ғалла ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банкларига ҳар ойда маблағ ажратади;

тижорат банклари ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратилган кредитлар Жамғармага тўлиқ қайтарилишини таъминлайди.

4. Белгилансинки, 2021 йил ғалла ҳосилини етиштириш харажатларини белгиланган тартибда молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги эълон қиладиган минимал нархлардан ва 2020 йил ғалла ҳосили ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки кун муддатда минимал нархларни эълон қилсин ва Молия вазирлигига 2021 йил ғалла ҳосили харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган ҳисоб-китобларни тақдим этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўздонмахсулот” АК билан биргаликда бир ҳафта муддатда фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерлари бўйича бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришга доир қарорлар қабул қилсинлар.

Бунда бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришда битта контурга икки йилдан ортиқ экилишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилсин.

6. “Ўздонмахсулот” АК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида тузилган шартномалар доирасида етиштириладиган ғалла учун уруғлик қийматининг 15 фоизини олдиндан ва қолган қисмини 60 кун ичида тўлаб бериш шarti билан, бошқа фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига 100 фоиз олдиндан тўловлар асосида экиш учун уруғлик донни етказиб берсин.

7. “Ўздонмахсулот” АК Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва ғаллачилик кластерлари билан биргаликда:

2021 йил ҳосили учун экиладиган кузги бошоқли дон экинларининг уруғларини етарли миқдорда нав ва авлодлар бўйича тозалаш, саралаш, дорилаш, қоплаш ҳамда сертификатлаш ишларини 2020 йил 25 сентябрга қадар яқунласин;

ушбу қарор билан тасдиқланган бошоқли дон экинлари навларини жойлаштиришни, шунингдек, суғориладиган майдонларда асосан биринчи ва иккинчи репродукцияли ҳамда лалми майдонларда учинчи репродукциядан паст бўлмаган уруғлик дон экилишини;

бошоқли дон экинлари экишни ҳар бир ҳудуд учун мақбул бўлган муддатларда – суғориладиган майдонларда 2020 йил 25 октябргача ва лалми ерларда – 15 ноябргача тугалланишини таъминласин.

Бунда республика ҳудудида экишга тавсия этилмаган ғалла навларини, сифатсиз тайёрланган ва дориланмаган (сертификатланмаган) уруғларни экиш қатъиян тақиқланади.

8. “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ кузги бошоқли дон экинларини экиш ва парваришlash учун ушбу қарорга 5 ва 6-иловаларга мувофиқ талаб этиладиган минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг фермер хўжаликлари ҳамда ғаллачилик кластерларига ўз вақтида етказиб берилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошоқли дон етиштиришда худудларнинг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб ер майдонларининг зарур миқдордаги фосфорли ва калийли минерал ўғитлар билан бирга сифатли тайёрланишини, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида ҳамда тўлиқ етказиб берилишини, белгиланган муддатларда экилишини ва агротехник тадбирлар сифатли амалга оширилишини ташкил этсин ва назорат қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, шунингдек, ғалла майдонларини суғориш учун етказиб берилadиган сувдан самарали фойдаланиш ҳамда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилишини таъминласин;

бир ҳафта муддатда бошоқли дон экинларини суғориш графикларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, ғалла майдонларини сув билан таъминлаш ҳамда ғалла майсаларини тўлиқ ундириб олиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти томонидан хорижий илмий муассасалардан 250 тонна бошоқли дон экинларининг суперэлита уруғлари келтирилишини таъминласин.

12. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг 4 та сектор раҳбарлари – кафолатланган бошоқли дон етиштиришда фермер хўжаликлари ва ғалла кластерлари томонидан агротехник тадбирлар, шу жумладан, минерал ўғитлар билан озиклантириш, суғориш, бегона ўт, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши курашиш, суспензия сепиш ҳамда бошқа тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши;

“Ўзкимёсаноат” АЖ (Ж.Т. Мирзамахмудов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (М.Р. Абдуллаев), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Х.Н. Хасилов) – кафолатланган бошоқли дон ҳосили етиштиришда агротехник тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари захирасини яратилишига ҳамда моддий-техника ресурсларининг агротехник карталардан келиб чиқиб, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерлари даласига етказиб берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (А.Э. Эргашев), “Агробанк” акциядорлик тижорат банки (Р.Ў. Маматқулов) ва тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари – Жамғарма маблағлари ҳисобидан бошоқли дон етиштириш харажатларининг ўз вақтида молиялаштирилиши, ажратилган маблағлардан фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерлари мустақил ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев), “Ўзагросервис” АЖ (Р.М. Хайитов), “Ўзагролизинг” АК (А.И. Сулаймонов) – кафолатланган бошоқли дон ҳосилини етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари тўлиқ жалб қилиниши, сифатли механизация хизматлари кўрсатилишига, ўрим-йиғим ишларининг уюшқоқлик билан ташкил этилиши ҳамда янги қишлоқ хўжалиги техникалари белгиланган муддатда етказиб берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д. Вахабов) ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари – ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг агротехник карталардан келиб чиқиб, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида етказиб берилиши ҳамда хизматлар сифатли кўрсатилиши, бу борада тузилган шартномавий мажбуриятлар тўлиқ бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар кузги бошоқли дон экинлари экилган майдонларни тўлиқ хатловдан ўтказсин ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил '8' сентябрдаги 546 сон қарорига
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун серҳосил, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган
кузги бошокли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари**

гектар

| Худудлар номи | Ғалла экиладиган майдон | | | Шу жумладан, суғориладиган ерларда навлар бўйича: | | | | | | | | | | |
|---------------------------------|-------------------------|------------------|----------------|---|----------------|-----------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|------------------|---------------|---------------|---------------|
| | Жами | Шу жумладан | | Гром | Алексейч | Красно- дарская-99 | Таня | Первица | Антонина | Васса | Безостая- 100 | Стар- шина | Зимница | Гурт |
| | | сувли | лалми | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 53 000 | 53 000 | | 13 849 | | 10 581 | | | | | | | 6 371 | |
| Андижон | 76 000 | 76 000 | | 18 500 | 11 952 | 12 023 | | 2 846 | 4 270 | | 2 804 | | | |
| Бухоро | 60 600 | 60 600 | | 9 500 | 12 500 | | | 6 960 | 7 040 | | | 22 500 | | |
| Жиззах | 161 600 | 93 500 | 68 100 | | 6 814 | | | 19 797 | | | | | | 10 974 |
| Қашқадарё | 203 000 | 140 000 | 63 000 | 22 500 | 7 200 | 25 400 | 24 425 | | 3 000 | | | | | |
| Навоний | 40 839 | 38 039 | 2 800 | 8 638 | | | | | | 15 841 | 44 | 1 964 | | |
| Наманган | 67 750 | 67 750 | | 2 132 | 14 504 | 7 652 | 14 099 | 8 074 | 3 680 | | | | | |
| Самарқанд | 138 830 | 94 230 | 44 600 | 19 850 | 6 855 | 31 134 | | 2 431 | | | 5 238 | | | |
| Сурхондарё | 95 000 | 90 800 | 4 200 | 23 134 | 21 682 | 7 359 | 5 652 | | 3 973 | 10 394 | 7 856 | | | 9 526 |
| Сирдарё | 85 000 | 85 000 | | 9 800 | | 9 500 | | 9 314 | | 4 780 | | | 12 543 | |
| Тошкент | 109 580 | 106 485 | 3 095 | 35 394 | 17 245 | 4 870 | 15 354 | | 9 629 | 14 610 | | | | |
| Фарғона | 99 500 | 99 500 | | 21 403 | 2 820 | 38 011 | | | | 17 475 | 11 420 | | | |
| Хоразм | 33 200 | 33 200 | | | | 7 070 | 7 270 | 2 378 | | | | | 2 386 | |
| Жами: | 1 223 899 | 1 038 104 | 185 795 | 184 700 | 101 572 | 153 600 | 66 800 | 51 800 | 31 592 | 63 100 | 27 362 | 24 464 | 21 300 | 20 500 |

давоми

| Худудлар номи | Шу жумладан, суғориладиган ерларда навлар бўйича: | | | | | | | | | | | | | |
|------------------------------|---|---------------|---------------|---------------|--------------|--------------|--------------|---------------|--------------|---------------|---------------|--------------|--------------|--------------|
| | Звезда | Юка | Есаул | Бригада | Восторг | Грация | Лебедь | Аср | Давр | Ғозгон | Яксарт | Дўстлик | Бунёдкор | Андижон-2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 5 789 | | | | | | | 15 460 | 950 | | | | | |
| Андижон | | | | | | | | 7 675 | | | | | | |
| Бухоро | 1 400 | | | | | | | 600 | | | | | | |
| Жиззах | 6 735 | | 7 808 | | 6 300 | | | | | 5 093 | | 8 600 | | |
| Қашқадарё | | 17 050 | | | | | | | | 8 650 | 20 275 | | 2 700 | |
| Навоий | 464 | | | | | | | 5 024 | | | | | | 3 740 |
| Наманган | | | | 10 100 | | | | 1 719 | 980 | | | | | |
| Самарқанд | | | | | | | | 7 583 | 820 | | 4 209 | | | 645 |
| Сурхондарё | | | | | | | | | | | | | | |
| Сирдарё | 6 412 | 1 200 | 3 092 | | | | 2 800 | 11 425 | | | | | | |
| Тошкент | | | | | | 4 300 | | 1 838 | | 1 557 | | | | |
| Фарғона | | | | | | | | | 1 950 | | 4 050 | | | |
| Хоразм | | 50 | | | | | | 10 176 | | | 466 | | | 3 115 |
| Жами: | 20 800 | 18 300 | 10 900 | 10 100 | 6 300 | 4 300 | 2 800 | 61 500 | 4 700 | 15 300 | 29 000 | 8 600 | 2 700 | 7 500 |

давоми

| Худудлар номи | Шу жумладан, суғориладиган ерларда навлар бўйича: | | | | | | | | Шу жумладан, лалми ерларда навлар бўйича: | | | | | |
|------------------------------|---|---------------|------------|---------------|--------------|--------------|---------------|---------------|---|---------------|---------------|--------------|---------------|---------------|
| | Замин-1 | Бобур | Дурдона | Чиллаки | Жасмина | Анди жон-4 | Бошка навлар | Арпа | Сурхак-5688 | Санзар-6 | Тезпишар | Интенсивная | Бошка навлар | Арпа |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | | | - | - | - | - | - | - |
| Андижон | | 5 030 | | 6 200 | | 3 700 | | 1 000 | - | - | - | - | - | - |
| Бухоро | | | | | | | 100 | | - | - | - | - | - | - |
| Жиззах | 3 100 | 5 147 | | | | | 10 132 | 3 000 | 5 250 | 10 340 | 8 750 | - | 12 960 | 30 800 |
| Қашқадарё | | | | | | | 5 800 | 3 000 | 10 550 | 9 360 | 8 500 | - | 3 190 | 31 400 |
| Навоий | | | | | | | 1 824 | 500 | - | - | 1 800 | - | - | 1 000 |
| Наманган | | 1 380 | | | | | 1 930 | 1 500 | - | - | - | - | - | - |
| Самарқанд | | | | | 2 100 | | 11 865 | 1 500 | - | 5 498 | 220 | - | 38 417 | 465 |
| Сурхондарё | | | | | | | 224 | 1 000 | - | 3 000 | - | - | 640 | 560 |
| Сирдарё | | 7 092 | 500 | 4 500 | | | 1 042 | 1 000 | - | - | - | - | - | - |
| Тошкент | | | | | | | 688 | 1 000 | - | - | - | 2 545 | 550 | - |
| Фарғона | | | | | | | 1 371 | 1 000 | - | - | - | - | - | - |
| Хоразм | | | | | | | 289 | | - | - | - | - | - | - |
| Жами: | 3 100 | 18 649 | 500 | 10 700 | 2 100 | 3 700 | 35 265 | 14 500 | 15 800 | 28 198 | 19 270 | 2 545 | 55 757 | 64 225 |

Дон ва дуккакли дон экинлари илмий-тадқиқот институти, унинг Қашқадарё филиали ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар илмий-тажриба станцияларида 2021 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш ва суперэлита уруғлик дон етиштириш ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари

майдон-га, уруғлик-тонна

| Худудлар номи | Жами | | Жами сугориладиган ерларда | | Шу жумладан, сугориладиган ерларда навлар бўйича | | | | | | | | | | | | | | | |
|------------------------------|-------------|-------------|----------------------------|-------------|--|------------|-----------|------------|-----------|------------|--------------|------------|-----------|------------|-----------|------------|------------|------------|-----------|------------|
| | | | | | Зимница | | Алексееч | | Антонина | | Безостая-100 | | Гурт | | Гром | | Асп | | Первица | |
| | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 40 | 120 | 40 | 120 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | 5 | 15 | | |
| Андижон | 80 | 240 | 80 | 240 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | | | | | 10 | 30 | | |
| Бухоро | 50 | 150 | 50 | 150 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | | | 10 | 30 | | |
| Жиззах | 1300 | 900 | 100 | 300 | | | 10 | 30 | | | 10 | 30 | | | | | 10 | 30 | 10 | 30 |
| Қашқадарё | 180 | 540 | 180 | 540 | 20 | 60 | 15 | 45 | | | 15 | 45 | | | 15 | 45 | 10 | 30 | | |
| Навоий | 50 | 150 | 50 | 150 | | | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | | | 5 | 15 | 10 | 30 | | |
| Наманган | 90 | 270 | 90 | 270 | | | 10 | 30 | 5 | 15 | | | 5 | 15 | 10 | 30 | 10 | 30 | 10 | 30 |
| Самарқанд | 110 | 330 | 110 | 330 | 20 | 60 | 5 | 15 | 5 | 15 | 10 | 30 | 5 | 15 | | | 10 | 30 | 10 | 30 |
| Сурхондарё | 70 | 210 | 70 | 210 | | | 5 | 15 | 10 | 30 | | | | | 5 | 15 | 20 | 60 | | |
| Сирдарё | 68 | 204 | 68 | 204 | | | 10 | 30 | | | | | 10 | 30 | | | 20 | 60 | 5 | 15 |
| Тошкент | 110 | 330 | 110 | 330 | 5 | 15 | 5 | 15 | | | 5 | 15 | 10 | 30 | 10 | 30 | 15 | 45 | 10 | 30 |
| Фарғона | 120 | 360 | 120 | 360 | 20 | 60 | 10 | 30 | 10 | 30 | 5 | 15 | | | | | 20 | 60 | 10 | 30 |
| Хоразм | 40 | 120 | 40 | 120 | 5 | 15 | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | | |
| Жами: | 2308 | 3924 | 1108 | 3324 | 85 | 255 | 90 | 270 | 55 | 165 | 60 | 180 | 40 | 120 | 50 | 150 | 155 | 465 | 55 | 165 |

| Худудлар номи | Шу жумладан, сугориладиган ерларда навлар бўйича | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|------------------------------|--|------------|-----------|------------|-----------|-----------|-----------|------------|-------------------|-----------|-----------|------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|------------|
| | Бобур | | Звезда | | Андижон-2 | | Яксарт | | Красно-дарская-99 | | Давр | | Бунёдкор | | Гозгон | | Васса | |
| | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | | | | | | | | |
| Андижон | 5 | 15 | 5 | 15 | | | | | | | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 |
| Бухоро | | | | | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 |
| Жиззах | | | 10 | 30 | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | 5 | 15 | | | 10 | 30 |
| Қашқадарё | 10 | 30 | | | | | 10 | 30 | 10 | 30 | 10 | 30 | 5 | 15 | 5 | 15 | 10 | 30 |
| Навоий | | | 5 | 15 | | | | | | | 5 | 15 | | | | | | |
| Наманган | 10 | 30 | | | | | | | 5 | 15 | 10 | 30 | | | | | 5 | 15 |
| Самарқанд | | | | | 20 | 60 | 5 | 15 | | | 10 | 30 | | | | | | |
| Сурхондарё | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | 5 | 15 | 10 | 30 |
| Сирдарё | | | 5 | 15 | 8 | 24 | | | | | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 |
| Тошкент | 10 | 30 | 10 | 30 | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | | |
| Фарғона | 5 | 15 | | | | | 10 | 30 | | | 10 | 30 | | | | | 10 | 30 |
| Хоразм | | | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | 5 | 15 | | | | | | |
| Жами: | 45 | 135 | 40 | 120 | 33 | 99 | 45 | 135 | 25 | 75 | 75 | 225 | 15 | 45 | 15 | 45 | 60 | 180 |

| Худудлар номи | Янги навлар жами | | Шу жумладан сугориладиган ерларда янги навлар бўйича | | | | | | | | | | | | | |
|------------------------------|------------------|------------|--|------------|----------|-----------|----------|-----------|-----------|------------|-----------|-----------|-----------|-----------|------------------|------------|
| | | | Ўзбекистон-25 | | Нодир | | Қадр | | Навбахор | | Шамс | | Хисарак | | истикболи навлар | |
| | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 5 | 15 | 5 | 15 | | | | | | | | | | | | |
| Андижон | 30 | 90 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | 5 | 15 | | | | | 10 | 30 |
| Бухоро | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Жиззах | 25 | 75 | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | | | 5 | 15 | 10 | 30 |
| Қашқадарё | 45 | 135 | | | | | | | 5 | 15 | 10 | 30 | 10 | 30 | 20 | 60 |
| Навоний | 10 | 30 | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | | | | | | |
| Наманган | 10 | 30 | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | | | | | | |
| Самарқанд | 10 | 30 | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | | | | | | |
| Сурхондарё | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Сирдарё | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тошкент | 15 | 45 | 10 | 30 | | | | | 5 | 15 | | | | | | |
| Фарғона | 10 | 30 | 5 | 15 | | | | | 5 | 15 | | | | | | |
| Хоразм | 5 | 15 | 5 | 15 | | | | | | | | | | | | |
| Жами: | 165 | 495 | 50 | 150 | 5 | 15 | 5 | 15 | 40 | 120 | 10 | 30 | 15 | 45 | 40 | 120 |

| Худудлар номи | Жами лалми ерларда | | Шу жумладан лалми ерларда навлар бўйича: | | | | | | | | | | | | | | |
|------------------------------|--------------------|------------|--|-----------|------------|-----------|------------|-----------|------------|------------|------------|------------|-------------|-----------|------------|------------|--|
| | | | Тезпишар-512 | | Санзар-6 | | Кўкбулоқ | | Бахмал-97 | | Истиклол-6 | | Янги навлар | | Арпа | | |
| | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | га | тонна | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Андижон | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Бухоро | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Жиззах | 1200 | 600 | 100 | 50 | 100 | 50 | 150 | 75 | 250 | 125 | 200 | 100 | 100 | 50 | 300 | 150 | |
| Қашқадарё | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Навий | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Наманган | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Самарканд | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Сурхондарё | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Сирдарё | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тошкент | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Фарғона | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Хоразм | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Жами: | 1200 | 600 | 100 | 50 | 100 | 50 | 150 | 75 | 250 | 125 | 200 | 100 | 100 | 50 | 300 | 150 | |

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш
ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари**

(минг тонна)

| Худудлар номи | Жамғари- ладиган уруғлик дон миқдори | Шу жумладан, суғориладиган майдонларда | | | | | | | | Лалми майдон- ларда |
|---------------------------------|---|--|-----------------------|-----------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-----------------|---------------------------|
| | | жами | шундан навлар бўйича: | | | | | | | |
| | | | Гром | Красно- дарская-99 | Аср | Васса | Алексейч | Антонина | Бошқа навлар | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 13,3 | 13,3 | 2,5 | 3,3 | 3,4 | | | | 4,1 | |
| Андижон | 19,0 | 19,0 | 3,8 | 2,4 | 4,3 | | 2,1 | 1,7 | 4,7 | |
| Бухоро | 15,1 | 15,1 | 3,1 | | | | 1,6 | 3,1 | 7,3 | |
| Жиззах | 32,3 | 23,4 | | 3,5 | 4,5 | 6,7 | | | 8,7 | 8,9 |
| Қашқадарё | 43,2 | 35,0 | 9,1 | 1,5 | 2,5 | 7,5 | 5,8 | | 8,6 | 8,2 |
| Навоий | 9,9 | 9,5 | 1,1 | 2,5 | 2,5 | 2,9 | | | 0,5 | 0,4 |
| Наманган | 16,9 | 16,9 | 1,5 | 4,5 | 3,1 | 3,5 | 1,8 | 1,9 | 0,6 | |
| Самарқанд | 29,4 | 23,6 | 10,1 | | | 9,2 | | 3,5 | 0,8 | 5,8 |
| Сурхондарё | 23,2 | 22,7 | 11,2 | 7,4 | | 2,4 | | 1,2 | 0,5 | 0,5 |
| Сирдарё | 21,3 | 21,3 | | | 5,4 | | 3,6 | 3,3 | 9,0 | |
| Тошкент | 27,5 | 27,1 | 9,2 | 5,4 | 5,3 | 3,0 | 3,0 | | 1,2 | 0,4 |
| Фарғона | 25,1 | 25,1 | 12,7 | 3,1 | 3,7 | | 2,9 | 1,7 | 1,0 | |
| Хоразм | 8,3 | 8,3 | | 0,5 | 4,9 | | | | 2,9 | |
| Жами: | 284,4 | 260,2 | 64,3 | 34,1 | 39,6 | 35,2 | 20,8 | 16,4 | 49,8 | 24,2 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “8” сентябрдаги 546 - сон қарорига
4-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосилидан дон ва нон
маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тadbирларини амалга ошириш
учун харид қилинадиган товар дон
ҲАЖМЛАРИ**

| Т/р | Худудлар номи | Товар дон, тонна |
|-----|---------------------------------|------------------|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 50 700 |
| | <i>вилоятлар:</i> | |
| 2 | Андижон | 153 700 |
| 3 | Бухоро | 93 900 |
| 4 | Жиззах | 142 200 |
| 5 | Қашқадарё | 225 700 |
| 6 | Навоий | 55 300 |
| 7 | Наманган | 135 000 |
| 8 | Самарқанд | 179 000 |
| 9 | Сурхондарё | 148 300 |
| 10 | Сирдарё | 107 700 |
| 11 | Тошкент | 184 000 |
| 12 | Фарғона | 175 700 |
| 13 | Хоразм | 48 800 |
| | Жами: | 1 700 000 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил " 8 " сентябрдаги 546-сон қарорига
5-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш
ва парваришlash учун талаб қилинадиган минерал ўғитлар миқдори**

соф ҳолда тонна ҳисобида

| Т/р | Худудлар номи | Ғалла экиладиган майдон, гектар | Жами етказиб бериладиган минерал ўғитлар | | | Шундан йил ва ойлар бўйича: | | | | | | |
|-----|---------------------------------|--|---|---------------|---------------|-----------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|----------------|---------------|
| | | | | | | 2020 йил | | | | 2021 йил | | |
| | | | | | | сентябрь-октябрь | | ноябр | декабрь | январь | февраль | март |
| | | | | | | Азотли | Фосфорли | Калийли | Фосфорли | Калийли | Азотли | Азотли |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 53 000 | 11 985 | 2 006 | 907 | 2 006 | 907 | 1 097 | 731 | 3 047 | 5 078 | 2 031 |
| | <i>вилоятлар:</i> | | | | | | | | | | | |
| 2 | Андижон | 76 000 | 21 088 | 3 480 | 1 660 | 3 480 | 1 660 | 1 577 | 1 052 | 5 538 | 9 230 | 3 692 |
| 3 | Бухоро | 60 600 | 16 538 | 2 700 | 1 458 | 2 700 | 1 458 | 1 254 | 836 | 4 334 | 7 224 | 2 889 |
| 4 | Жиззах | 93 500 | 23 170 | 3 946 | 1 174 | 3 946 | 1 174 | 2 004 | 1 336 | 5 949 | 9 915 | 3 966 |
| 5 | Қашқадарё | 140 000 | 35 437 | 6 131 | 2 228 | 6 131 | 2 228 | 2 919 | 1 946 | 9 172 | 15 286 | 6 115 |
| 6 | Навоний | 38 039 | 9 342 | 1 602 | 892 | 1 602 | 892 | 787 | 525 | 2 409 | 4 015 | 1 606 |
| 7 | Наманган | 67 750 | 17 439 | 2 853 | 1 527 | 2 853 | 1 527 | 1 402 | 935 | 4 531 | 7 551 | 3 020 |
| 8 | Самарқанд | 94 230 | 27 669 | 4 203 | 1 877 | 4 203 | 1 877 | 2 095 | 1 397 | 7 253 | 12 088 | 4 835 |
| 9 | Сурхондарё | 90 800 | 20 619 | 3 604 | 1 347 | 3 604 | 1 347 | 1 880 | 1 253 | 5 246 | 8 743 | 3 497 |
| 10 | Сирдарё | 85 000 | 18 268 | 3 265 | 1 699 | 3 265 | 1 699 | 1 760 | 1 173 | 4 601 | 7 668 | 3 067 |
| 11 | Тошкент | 106 485 | 25 687 | 4 138 | 2 121 | 4 138 | 2 121 | 2 237 | 1 492 | 6 587 | 10 979 | 4 392 |
| 12 | Фарғона | 99 500 | 26 871 | 4 580 | 1 954 | 4 580 | 1 954 | 2 084 | 1 390 | 7 019 | 11 699 | 4 679 |
| 13 | Хоразм | 33 200 | 8 288 | 1 350 | 660 | 1 350 | 660 | 687 | 458 | 2 143 | 3 571 | 1 429 |
| | Жами: | 1 038 104 | 262 402 | 43 857 | 19 504 | 43 857 | 19 504 | 21 785 | 14 523 | 67 828 | 113 047 | 45 219 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “8” сентябрдаги 546 -сон қарорига
6-илова

**2021 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш ва парваришлашга
талаб қилинадиган ёнилғи мойлаш маҳсулотлари миқдори**

тонна

| Т/р | Худудлар номи | Жами талаб қилинган дизель ёнилғиси миқдори | Шундан йил ва ойлар кесимида: | | | | | | | | | | | |
|-----|-----------------------------|---|-------------------------------|-----------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|-----------------|----------------|
| | | | 2020 йил | | | | | 2021 йил | | | | | | |
| | | | Август | Сентябрь | Октябрь | Ноябрь | Декабрь | Январь | Февраль | Март | Апрель | Май | Июнь | Июль |
| 1 | Қорақлпоғистон Республикаси | 4 704,4 | 702,9 | 882,2 | 393,5 | 30,2 | 28,0 | 79,9 | 80,2 | 81,1 | 186,5 | 152,3 | 1 492,8 | 594,8 |
| | <i>вилоятлар:</i> | | | | | | | | | | | | | |
| 2 | Анджон | 6 745,9 | 327,1 | 796,3 | 1 371,0 | 415,7 | 204,5 | 247,5 | 412,5 | 577,8 | 742,9 | 165,1 | 990,5 | 495,0 |
| 3 | Бухоро | 5 379,0 | 178,8 | 385,8 | 954,7 | 76,6 | 45,1 | 206,0 | 329,9 | 222,9 | 317,3 | 136,2 | 1 911,2 | 614,4 |
| 4 | Жиззах | 11 552,6 | 509,7 | 1 487,0 | 2 408,1 | 718,2 | 450,6 | 383,4 | 417,4 | 471,1 | 264,5 | 264,6 | 3 228,9 | 949,2 |
| 5 | Қашқадарё | 15 175,9 | 593,2 | 1 645,9 | 2 501,4 | 1 067,4 | 700,2 | 319,1 | 440,4 | 510,0 | 773,7 | 1 311,6 | 3 130,9 | 2 182,0 |
| 6 | Навоий | 3 472,7 | 94,6 | 237,5 | 653,1 | 210,2 | 68,7 | 33,2 | 57,0 | 414,0 | 391,0 | 289,2 | 704,0 | 320,2 |
| 7 | Наманган | 6 568,4 | 325,4 | 1 102,7 | 1 080,8 | 562,7 | 230,0 | 534,2 | 294,7 | 534,2 | 361,9 | 78,4 | 1 309,5 | 153,8 |
| 8 | Самарқанд | 10 335,7 | 301,6 | 1 305,9 | 2 557,2 | 775,5 | 458,9 | 128,9 | 538,8 | 536,0 | 622,6 | 337,6 | 1 288,0 | 1 484,8 |
| 9 | Сурхондарё | 8 445,7 | 306,1 | 893,7 | 1 709,6 | 1 037,4 | 839,4 | 90,9 | 44,4 | 219,4 | 770,6 | 909,5 | 1 139,8 | 484,9 |
| 10 | Сирдарё | 7 544,7 | 500,6 | 1 273,7 | 1 212,6 | 272,6 | 21,0 | 374,2 | 448,2 | 448,2 | 366,0 | 406,0 | 1 855,6 | 366,0 |
| 11 | Тошкент | 10 432,7 | 527,7 | 1 495,1 | 1 713,2 | 926,0 | 307,6 | 41,6 | 188,5 | 511,2 | 541,0 | 515,8 | 2 470,9 | 1 194,1 |
| 12 | Фарғона | 8 817,4 | 300,7 | 752,2 | 1 343,2 | 728,0 | 528,9 | 108,9 | 529,3 | 421,9 | 366,6 | 529,3 | 2 669,4 | 538,9 |
| 13 | Хоразм | 2 946,9 | 161,3 | 1 029,3 | 452,1 | 35,2 | 9,5 | 9,5 | 11,0 | 70,3 | 106,4 | 70,3 | 905,6 | 86,4 |
| | Жами: | 102 122,0 | 4 829,7 | 13 287,3 | 18 350,4 | 6 855,7 | 3 892,4 | 2 557,3 | 3 792,4 | 5 018,1 | 5 811,1 | 5 165,9 | 23 097,1 | 9 464,6 |

**Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг
табiiй-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган майдонларда 2021 йил ҳосили учун
экилган кузги бошоқли дон экинларини экиш ва парваришlash бўйича агротехник
тадбирларни амалга ошириш юзасидан
ЙЎЛ ХАРИТАСИ**

| Т/Р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Муддати | Масъуллар | |
|---|---|---------------------------------|--|---|
| | | | Вазирлик ва идоралардан | Худудий тизим ташкилотлардан |
| 2020 йил сентябрь-октябрь ойларида | | | | |
| 1. | Очиқ майдонларга гектарига соф ҳолда 90-100 кг.дан фосфорли, 50-60 кг.дан калийли минерал ўғитларни сепиш ва 30-35 см чуқурликда шудгорлаш; такрорий экинлар олингандан кейин гектарига соф ҳолда 90-100 кг.дан фосфорли, 50-60 кг.дан калийли минерал ўғитларни сепиш ва 30-35 см чуқурликда шудгорлаш. | 5 сентябрдан 20 сентябргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ, “Ўзагросервис” АЖ | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, худудий “Агрокимёхимоя” АЖлари, Худудий “Агросервис” АЖлари |
| 2. | Кузги бошоқли дон экинларини очиқ майдонларга СЗТ-3.6, СЗУ-3.6, “Limken” дон экиш сеялкаларида 3-5 см чуқурликда экиш; Бундан худудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан ва экиладиган нав биологиясидан келиб чиқиб, биринчи навбатда кечпишар навларни, кейин ўртапишар ва эртапишар навларни экиш. | 10 сентябрдан 30 сентябргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагросервис” АЖ | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва уларнинг туман бўлимлари |
| 3. | Ғалла экилган майдонларда 50-60 метр узунликда кўлдаланг ўқариқлар олиш; пешма-пеш суғоришни ташкил этиш ва бир текис кўчат ундириб олиш. | 15 сентябрдан 5 октябргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, худудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари |

| Т/Р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Муддати | Масъуллар | |
|------------------------------|---|-------------------------------|--|--|
| | | | Вазирлик ва идоралардан | Худудий тизим ташкилотлардан |
| 4. | <p>Ғўза қатор ораларига дон экишда “терим” отряди, “экиш” отряди ва “суғориш” отрядининг ишини мувофиқлаштириш.</p> <p>Бунда, ғўза майдонларида 1-теримдан кейин ғалла экишга ер тайёрлаш, экиш ва пешма-пеш суғоришни ташкил этиш.</p> <p>Ғўза қатор орасини уч марта культивация қилиб, учинчи культивация билан бирга дон экиш ва пешма-пеш суғориш.</p> | 12 сентябрдан 5 октябргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ | Вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва уларнинг туман бўлимлари, худудий “Агрокимёҳимоя” АЖлари, вилоятлар ҳавза бошқармалари ва ирригация тизимлари |
| 2020 йил ноябрь ойида | | | | |
| 5. | <p>Экилган ғалла майдонларини хатловдан ўтказиш, бунда:</p> <p>сийрак ва ола униб чиққан, карта четлари ва сим ёғоч атрофларига экилмаган ғалла майдонларни аниқлаш;</p> <p>касаллик ва бегона ўт босиш хавфини ўрганиш;</p> <p>ғалла ҳолатини тўлиқ ўрганиб, сийрак униб чиқмаган ерларни таъмирлаш;</p> <p>ғаллани қишгача туплатиш мақсадида гектарига 100-150 кг.дан азотли минерал ўғитлар билан қўшимча озиклантириш.</p> | 1 ноябрдан 10 ноябргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Давергеодезкадастр” кўмитаси, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва уларнинг туман бўлимлари, худудий “Агрокимёҳимоя” АЖлари |
| 6. | <p>Азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилган ғалла майдонларини пешма-пеш суғоришни ташкил этиш;</p> <p>бунда далани кўллатмасдан, енгил суғоришни ташкил этиш.</p> | 10 ноябрдан 15 ноябргача | Сув хўжалиги вазирлиги | вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, худудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари |
| 7. | Кузги об-ҳавонинг ва тупроқ шароитини ҳисобга олиб, касаллик ва зараркунандаларга | ноябрь ойида | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Давергеодезкадастр” | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича |

| Т/Р | Амалга оширадиган чора-тадбирлар | Муддати | Масъуллар | |
|--|---|------------------------------|---|--|
| | | | Вазирлик ва идоралардан | Худудий тизим ташкилотлардан |
| | қарши профилактик кузатув ишларини олиб бориш. | | кўмитаси, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ | ўринбосалари, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва уларнинг туман бўлимлари, худудий “Агрокимёхимоя” АЖлари |
| 2020 йил декабрь ойида | | | | |
| 8. | Ғалла экилган ҳар бир контурнинг сув кирадиган қулоқлар бошида 3x2x1,5 ўлчамда ҳосил ҳандақлари қазил. | 1 декабрдан 10 декабргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосалари, худудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари |
| 9. | Маҳаллий ўғит чиқариш отрядлари ташкил этиш ва ғалла экилган майдонларнинг ҳар гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш. | 1 декабрдан 30 декабргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмахсулот” АК, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши | Вилоят ва туман ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосалари, дон корхоналари, ғаллачилик кластерлари, фермер хўжаликлари |
| 10. | Ғўза қатор орасига ғалла экилган майдонларни ғўзапоя ва бегона ўт қолдиқларидан тозалаш; Бунда ер музлаган пайтларда ғалла ниҳолларига зиён етказмасдан ғўзапояни ўриб олишни ташкил этиш. | 1 декабрдан 30 декабргача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва уларнинг туман бўлимлари |
| 2021 йил январь- февраль ойларида | | | | |
| 11. | Ғаллани баҳорги вегетация даврида минерал ўғитлар билан озиклантириш учун керакли | 1 январдан 30 январгача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича |

| Т/Р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Муддати | Масъуллар | |
|-----|---|------------------------------|---|---|
| | | | Вазирлик ва идоралардан | Худудий тизим ташкилотлардан |
| | миқдордаги (гектарига 700-750 кг. физик ҳолда) азотли минерал ўғитлар захирасини яратиш. | | “Ўзагрокимёхимоя” АЖ | ўринбосарлари, худудий “Агрокимёхимоя” АЖлари |
| 12. | Ғалла экилган майдонларнинг ҳар бир гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқаришни ташкил этиш. | 1 январдан 30 январгача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АК, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, дон корхоналари, ғаллачилик кластерлари, фермер хўжаликлари |
| 13. | Бошоқли дон экинларини парваришlashда қатнашадиган техника ва механизмларни (<i>НРУ-0,5, итангали пуркагичлар, ОВХ</i>) таъмирлаш ва кўриқдан ўтказиш. | 15 январдан 30 январгача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ, “Ўзагросервис” АЖ | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, худудий “Агрокимёхимоя” АЖлари, худудий “Агросервис” АЖлари |
| 14. | Ғалла экилган майдонларни суғориш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш; бунда биринчи навбатда, сув қийин етиб борадиган сув йўллари тартибга келтириш, қўл билан тозаланадиган сув йўллари, жумладан, ариқ, латок ва бошқа сув ўтказиш объектларини тозалаш ва таъмирлаш ишларини тугаллаш. | 15 январдан 10 февралгача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят ирригация тизимлари хавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари |
| 15. | Ғалла майсаларининг ўсиши ва ривожланиш фазалари бўйича мониторинг қилиш, бунда: униб чиқмаган, 1-2 барг, 3-4 баргли ва туплаган майдонларни аниқлаш ва ҳар бирига алоҳида табақалаштирган агротехник тадбирларни белгилаш; ғалланинг ҳолати, жумладан, униб чиқмаган, 1-2 барг, 3-4 баргли майдонларда ернинг устки қатлами ёрилиб совуқ урган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш. | 1 февралдан 5 февралгача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Давергеодезкадастр” кўмитаси | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва уларнинг туман бўлимлари, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ҳамда уларнинг туман бўлимлари |

| Т/Р | Амалга оширадиган чора-тадбирлар | Муддати | Масъуллар | |
|----------------------------|---|------------------------------|--|---|
| | | | Вазирлик ва идоралардан | Худудий тизим ташкилотлардан |
| 16. | Ғалла майдонларида бегона ўт, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш учун талаб этиладиган гербицид, фунгицид ва инсектицидлар захирасини яратиш ва жойларга етказиш чораларини кўриш. | 1 февралдан 25 февралгача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, худудий “Агрокимёҳимоя” АЖлари, вилоятлари ҳавза бошқармалари ва туман ирригация бўлимлари |
| 17. | Азотли минерал ўғитлар билан баҳорги биринчи озиклантиришни бошлаш ва ғаллани пешма-пеш суғоришни ташкил этиш. Бунда ғаллани ривожланиш фазаларига қараб, биринчи навбатда, кеч экилган, балл-бонитети паст бўлган ғалла майдонларидан бошлаш ва гектарига 150-200 кг.дан азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш, пешма-пеш суғориш ишларини ташкил этиш. | 5 февралдан 15 февралгача | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ | Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва уларнинг туман бўлимлари, худудий “Агрокимёҳимоя” АЖлари, худудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва туман ирригация бўлимлари |
| 2021 йил март ойида | | | | |
